

**«Миллий тикланиш» ДП фракцияси томонидан 2021 йилнинг
9 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан
МАЪЛУМОТ**

I. «Миллий тикланиш» ДП фракцияси иш режаси ижроси ҳақида:

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси сайловлар жараёнида жойларда фуқаролар билан бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, кўтарилган тизимли муаммолардан келиб чиқиб, жорий йилга мўлжалланган алоҳида «Иш режаси»си ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Маълумот учун: «Миллий тикланиш» ДП Марказий Кенгашининг 2021 йил 19 февралдаги 4-Пленуми қарорига мувофиқ тасдиқланган.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида Иш режа ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1-банди Фракция аъзолари томонидан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан биргаликда **367 та** маҳалла фуқаролар йиғинидаги **872 та** умумий ўрта таълим мактабларида белгиланган саволнома асосида ўрганиш ишлари олиб борилди ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатмалар берилди ва айримлари ижобий ҳал этишга эришилди.

- 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси, Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири ва Адлия вазирининг “Реклама, шунингдек ташқи реклама соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг такомиллаштирилиши ва ижро этилиши ҳолати тўғрисида”ги ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисида эшитиш таклифи инobatга олинди.

Шунингдек, “Реклама тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилганлиги сабабли парламент эшитуви қонун лойиҳаси муҳокамаси билан биргаликда кўриб чиқилиш белгиланди.

- 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида фракция аъзолари ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ-742-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан мақулланиб, ЎзМТДП фракциясининг йиғилишида билдирилган қўшимча таклифлари 2021 йил 28 январдаги 16/1-5-сон хат билан ишчи гуруҳга киритилди.

- 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида фракция томонидан фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида «**Ўзбекистон**

Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ-655-сонли қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишда ўз тахририни киритди ҳамда қонун лойиҳасида таклифлари инобатга олинишига эришди.

- 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида ЎЗМТДП фракцияси ҳамда Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси биргаликда 2021 йил 31 май куни Инновацион ривожланиш вазири ўринбосарининг **“Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш бўйи-ча амалга оширилган ишлар тўғри-сида”**ги ахбороти эшитилди.

- 11-банди ЎЗМТДП фракцияси ҳамда Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси биргаликда Сирдарё вилоятида олиб борилган ўрганишлар якуни бўйича 2021 йил 30 март куни **«Тиббиёт соҳасига ахборот-коммуникация техноло-гияларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар»** юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллариининг ССВ ахбороти эшитилди ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ёзма ахбороти олинди.

- 13-банди ижросини таъминлаш мақсадида **“Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”**ги ҚЛ-783-сонли қонуни лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилди ҳамда фракция йиғилишида муҳокама қилинди ва таклифлар берилди.

- 34-банди Фракция аъзоси ҳамташаббуси билан **«Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан ЎЗР.нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ҚЛ-673-сонли қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди, шунингдек, қонун лойиҳасига фракция таклифлари тақдим этилди, қонун бугунги кунда қабул қилинган ва маҳаллий Кенгашларига услубий ва ташкилий жиҳатдан самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Хусусан, **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги Қонунниг **20-моддасига** ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, халқ депутатлари Кенгаши котибиятлари ташкил этилди.

Шунингдек, фракция аъзосининг ҳамташаббуси асосида **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ҚЛ-667-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди, лойиҳада фракция таклифи акс этирилиб, унда **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»**ги Қонунининг 8-моддаси **«Депутат сўровига жавоб хати, сўров кимнинг номига юборилган бўлса айнан ўша мансабдор шахс томонидан ёки унинг**

вазифасини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади» жумласи билан тўлдирилди.

Бунда, маҳаллий кенгаш депутатининг “депутат сўрови”га жавоб беришда мансабдор шахсларнинг масулиятини ошириш кўзда тутилган.

- «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида»ги ҚЛ-812-сонли қонуни лойиҳаси

II. «Миллий тикланиш» ДП фракциясининг аъзоларининг қонун ижодкорлик фаолияти ҳақида:

1. Ҳисобот даврида фракция аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига **6 та** қонун лойиҳаси киритилди.

Маълумот учун:

- “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҚЛ-745-сон қонун лойиҳаси (И.Абдуллаев, У.Джабборов);

- “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҚЛ-745-сон қонун лойиҳаси (Ж.Ширинов);

- “Ўзбекистон Республикаси сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҚЛ-772-сон қонун лойиҳаси (Ж.Ширинов)

- “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҚЛ-782-сон қонун лойиҳаси (Ў.Исламов)

- “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҚЛ-794-сон қонун лойиҳаси (А.Тўлабоев);

- “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги ҚЛ-818-сон қонун лойиҳаси (Ш.Рахимов);

2. “Миллий тикланиш” ДП фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги** ҚЛ-655-сонли қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишда **ўз тахририни киритди** ҳамда қонун лойиҳасида таклифлари инobatга олинишига эришди.

3. Жорий йилда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, уларнинг муносабатини ичида туриб, бирга юриб ўрганиш ҳамда фуқароларнинг таклиф ва

мулоҳазаларини эътиборга олиш борасида партия ва унинг парламентдаги фракцияси томонидан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мазкур ҳамкорлик натижасида жойларда **21 та** қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб **51 та** учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда фуқаролар томонидан билдирилган **178 дан ортиқ** таклифлардан **15 таси** қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида **инобатга олинди**.

Маълумот учун:

- «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ-524-сонли қонуни лойиҳаси;

- «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ-655-сонли қонуни лойиҳаси;

- «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ-740-сонли қонуни лойиҳаси;

- «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ-751-сонли қонуни лойиҳаси;

- «Қишлоқ хўжалиги кооперацияси тўғрисида»ги ҚЛ-747-сонли қонуни лойиҳаси;

- «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳақида»ги ҚЛ-782-сон қонуни лойиҳаси;

- «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ-773-сон қонуни лойиҳаси;

- «Судлар тўғрисида»ги ҚЛ-754-сонли қонуни лойиҳаси;

- «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги ҚЛ-793-сонли қонуни лойиҳаси;

- «Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ-795-сонли қонун лойиҳаси;

- «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ-782-сонли қонун лойиҳаси;

- «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги ҚЛ-718-сонли қонун лойиҳаси;

- «Реклама тўғрисида»ги ҚЛ–750-сонли қонуни лойиҳаси;
- «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида»ги ҚЛ–812-сонли қонуни лойиҳаси;
- «Солиқ маъмурчилигининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–807-сонли қонуни лойиҳаси;
- «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–819-сонли қонуни лойиҳаси;
- «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–752-сонли қонуни лойиҳаси.

4. Жорий йилда **25 та** қонун лойиҳаларига “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзолари масъул сифатида белгилан, **хусусан:**

У.Жабборов (ҚЛ-738, ҚЛ-745-сон), **Б.Эшмирзаев** (ҚЛ-644, ҚЛ-744-сон), **А.Акромов** (ҚЛ-655-сон, ҚЛ-656-сон), **Н.Тилаволдиев** (ҚЛ-739-сон), **З.Абдиримов** (ҚЛ-747-сон), **Ф.Ашматов** (ҚЛ-734-сон, ҚЛ-801-сон, ҚЛ-820-сон), **Ж.Абдурасулов** (ҚЛ-699-сон, ҚЛ-812-сон), **Р.Джумамуратов** (ҚЛ-749-сон, ҚЛ-807-сон), **К.Тожиев** (ҚЛ-692-сон), **Ж.Абдурасулов** (ҚЛ-699-сон), **Ж.Касимов** (ҚЛ-764-сон), **А.Ғаниев** (766-сон), **Ш.Тухташев** (768-сон), **М.Хусанова** (781-сон), **Д.Арипов** (ҚЛ-788-сон), **А.Тўлабоев** (ҚЛ-789-сон), **Ғ.Сафаров** (ҚЛ-803-сон) **У.Рахмонова** (ҚЛ-808-сон) қонун лойиҳаларига масъул сифатида бириктирилган.

5. Фракция аъзолари масъул бўлган қонун лойиҳаларида “Миллий тикланиш” ДП ғоялари ва мақсадлари акс эттирилишига эришмоқда.

Мисол учун:

а) «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–655-сонли қонуни лойиҳасида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини ошириш мақсадида қуйидаги моддалар бўйича **фракция ўз тахририни киритди:**

- 13-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва давлат муассасалари, уларнинг мансабдор шахсларига давлат тилида мурожаат қилинади. Бошқа тиллардаги мурожаатларга давлат тилига таржима илова қилиниши шарт.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига жавоблар давлат тилида баён қилинади.

- 14-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ишлари давлат тилида ва қорақалпоқ тилида юритилади. Зарурат бўлганида муайян жойдаги қўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилиши мумкин.

- 17-модда. Ўзбекистон Республикасида таълим давлат тилида ва бошқа тилларда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар ўз она тилида таълим олиши учун шароит яратилади.

б) «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги ҚЛ-699-сонли қонуни лойиҳасида миллий қадриятлардан келиб чиқиб, қуйидаги қўшимчалар киритилди:

- суғурта агенти иш юритиши тақиқиланган шахслар (хориж амалиёти ва амалда: ота-онаси, турмуш ўртоғи, ака-укаси, опа-синглиси) қаторига **бобоси, бувиси, неваралари, шунингдек эрининг, хотинининг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари** ҳам киритилди.

- Суғурта шартномасининг матни давлат тилида тузилиши белгилаб қўйилди.

в) «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги ҚЛ-718-сонли қонун лойиҳасига миллий қадриятлардан келиб чиқиб, қуйидаги қўшимчалар киритилди:

- Қонун лойиҳасининг 53-моддасида эълон қилинадиган судлар томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар қаторига қарздор тўғрисида қарз маблағларини қоплаш учун унинг яқин қариндошлари ёки ҳомийлар маблағларини жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш тартиби киритилди.

д) «Реклама тўғрисида»ги ҚЛ-750-сонли қонуни лойиҳасида “Миллий тикланиш” ДП сайловолди дастурида ўз олдига қўйган мақсадлари ва ғоялари акс этиришига эришди:

- қонун лойиҳасида рекалама **давлат тилида** тарқатилиши, бошқа тилларда (давлат тилидаги маънони бузмаслик, паст қисмида жойлашиши, умумий реклама майдонини 40 фоизидан ошмаслиги, ҳарфлар ўлчами нисбатан кичик бўлиши талаби билан) такрор берилиши мумкин;

- миллий қадриятлар ва маънавиятимизга зид бўлган айрим ҳолатларни олдини олиш мақсадида қонун лойиҳасида рекламага қуйидаги тақиқлар белгиланди:

миллий маданият ва анъаналарга, умум қабул қилинган нормаларга зид бўлган шаклар, иборалар ва образлардан фойдаланиш, камситиш, порнография тусидаги ахборотдан фойдаланиш, ғайри табиий чет эл сўзлари ва ибораларидан фойдаланиш, шунингдек, дарсликларда, мактаб кундаликларида, мактаб дафтарларида ва бошқаларда товарларни реклама қилиш, вояга етмаганлар олиши ёки истеъмол қилиши тақиқланган товарларни телеканалларда, вояга етмаганлар учун мўлжалланган телекўрсатувлар ва радиоэшит-тиришларда реклама қилиш тақиқланади.

е) «Солиқ маъмурчилигининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–807-сонли қонуни лойиҳаси қуйидаги таклиф киритилди:

- Қонун лойиҳасининг 5-моддасида Солиқ кодексининг бир қатор моддаларида солиқ органлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда ҳолислар иштирокини таъминлашни зарур ҳолларда эмас, балки видеотасвирга олиш имкониятлари чекланган вақтларда ҳолисларни жалб этиш;

- Солиқ кодекси 415-моддаси ва 429-моддасида назарда тутилган мулкдорга нисбатан қўлланилган таъсирчан солиқ механизми янги мулкдорга нисбатан ҳам қўлаш нормасини чиқариб ташлаш;

- Солиқ кодекси 415-моддаси ва 429-моддасининг назарда тутилган фойданилмаган объектлар ва ерларга ҳар йили солиқ ставкасини 2 баровар ошириш(бир йилдан кейин 20 баровар бўлади)ни бекор қилиш ва 2-8 бароварда оширилган солиқ ставкасини қўлаш ва шундан оширмаслик.

с)“Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҚЛ–752-сонли қонуни лойиҳасида музейларни тадбиркорлик билан шуғулланишига рухсат бериш кўзда тутилган, мазкур имтиёзни инкор қилувчи нормалар мавжуд қонунларга ўзгартириш киритилди.

III. «Миллий тикланиш» ДП фракцияси йиғилишлари ва ўтказилган тадбирлар ҳақида:

Жорий йилнинг **9 ойи** давомида фракция томонидан **32 та** йиғилиш ўтказилиб, уларда **191 та** масала кўриб чиқилди. Шундан **4 таси** Президентнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ташқи сиёсат соҳаларидаги долзарб масалалар бўйича маърузалари, фармонлари ва қарорларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга, **168 таси** қонун ижодкорлиги фаолиятига, **2 таси** Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси муҳокамаси, **8 таси** фракциянинг назорат-таҳлил фаолиятига доир, **9 таси** ташкилий масалаларга бағишланган.

Мазкур йиғилишларда **19 та** қонун лойиҳасига таклифлар берилди, **1 та** қонун лойиҳаси қайта ишлаш учун қўмитага қайтарилди.

Бундан ташқари ҳисобот даврида фракция томонидан жами **25 та** тадбир, шу жумладан **1 та** конференция (халқаро), **10 та** семинар ва **14 та** давра суҳбати, **3 та** матбуот анжумани ўтказилди, **хусусан:**

20 апрель куни “Миллий тикланиш”ДП фракцияси ташаббуси билан Қонунчилик палатасида Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги вакили, халқаро экспертлар иштирокида **Ўзбекистонда ислом молия тизимини татбиқ этиш истиқболлари ва ҳуқуқий асосларни яратиш масалаларига** бағишланган конференция ўтказилди.

18 май куни “Миллий тикланиш” ДП фракцияси ташаббуси билан Қонунчилик палатасида **“Китоб ва босма махсулотларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш тизимидаги мавжуд муаммолар”** мавзусида Инавация ва ахборот сиёсати қўмитаси ҳамда мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок қўшма йиғилиш ўтказилди.

8 февраль куни “Миллий тикланиш” ДП ташаббуси билан буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби **Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги** муносабати билан маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

12 февраль куни “Миллий тикланиш” ДП фракцияси ташаббуси билан **“Миллий ўзликни англашда Навоий ва Бобур ижодий меросининг аҳамияти”** мавзусида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

9-11 июнь кунлари депутатлар учун **“Депутат сўрови”**ни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари юзасидан ўқув – семинарлар ташкил этилди.

25 июнь куни **“Ёшлар – келажак драйверлари” I-Ёшлар Форуми** доираси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида **“Ёшлар ва парламент”** лойиҳаси ташкил этилди ва Қонунчилик палатасига **150 нафар** ёшлар ташифи ташкил этилди.

Лойиҳа давомида ёшлар учун Ялпи мажлислар залида **“овоз бериш маросими”** ташкил этилиб, депутатларнинг қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан овоз бериш ва муносабат билдириш жараёни билан яқиндан танишди.

2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг **30 июнь — Ёшлар куни** муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимдаги маърузаси юзасидан «Миллий тикланиш» ДП фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида давра суҳбати ташкил этилди.

14 июль куни «Миллий тикланиш» ДП фракцияси томонидан Наманган вилояти Косонсой туманида **“Косонсой” сойидан сел оқиб келиши натижасида жабр кўрган аҳолига ихтиёрий ёрдам кўрсатиш** бўйича фракция ташаббусига бағишланган йиғилиш ташкил этилди.

23 август куни «Миллий тикланиш» ДП фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан учрашуви ҳамда тадбирда тўхталиб ўтилган масалаларга** бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

IV. «Миллий тикланиш» ДП фракциясининг назорат-таҳлил фаолияти тўғрисида:

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси ташаббуси асосида Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида ва «ҳукумат соати»да Ҳукумат аъзоларининг долзарб мавзулар ва соҳаларга доир ахборотлари эшитилди, **хусусан:**

- **6 апрель** куни Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси «ҳукумат соати»да Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири **И.Р. Махкамовнинг «Мамлакатимиздаги умумий фойдаланишдаги ва халқаро тоифадаги автомобиль йўлларининг бугунги кундаги ҳолати ҳамда замонавий автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш ва қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»**ги ахбороти эшитилди.

- **16 август** куни Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари **А. Кулдашевнинг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида»**ги ахбороти эшитилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси навбатдаги мажлисида ва «ҳукумат соати»да Ҳукумат аъзоларининг ахборотларини эшитиш бўйича фракция таклифлари инobatга олинди, **хусусан:**

- Ўзбекистон Республикаси адлия вазири **Р. Давлетовнинг «Жамиятда ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»**ги ахборотини эшитиш таклифи;

- «ҳукумат соати»да Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири **Ш. Шерматовга «Умумтаълим мактабларида ўқитувчиларга яратилган меҳнат шароитлари ҳамда улар фаолиятини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чоратadbирлар ҳақида»**ги ахборотини эшитиш таклифи;

- «ҳукумат соати»да Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири **А. Хаджибаевнинг «Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотларида озиқ-овқат сифати устидан назорат ўрнатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»**ги ахборотини эшитиш таклифи.

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси йиғилишларида назорат-таҳлил фаолиятига доир **8 та** масала кўриб чиқилди, хусусан, **чораклик ва I ярим йиллик** Давлат дастури ижроси ҳамда **чораклик ва I ярим йиллик** Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари бюджети ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, шунингдек, Ҳисоб палатаси ҳисоботи кўриб чиқилди.

Мазкур фракция йиғилишларида Ҳукумат ва Ҳисоб палатаси ҳисоботида кўрсатилган камчиликлар ва белгиланган вазифаларнинг кечиктирилиши ва бошқа долзарб муаммолар бўйича тегишли вазирлик ва идоралар фаолияти танқидий ва таҳлилий муҳокама қилинди, **хусусан:**

- Хитой Эксимбанкдан жалб этилган **156,4 млн** долларлик **Ангрен ЭИЗ** ҳудудида автомобиль шиналари ишлаб чиқариш лойиҳасининг ўзини оқламаётганлиги, **15 фоиз** қувватда ишлаётганлиги, корхона омборида **100 минг** дона шина қолиб кетганлиги танқид қилинди;

- Мамлакатнинг ташқи қарзлар миқдори ички қарзга нисбатан **2-3 баровар** кўп эканлиги, одамларнинг қўлларидаги маблағлардан самарали фойдаланилмаётганлиги танқид қилинди, бунда, эътиқод масаласи мавжудлиги сабабли **Ислом тамоиллари асосида молиялаштириш тизимини** жорий этиш ва ҳуқуқ асосларини яратишда лозимлиги таъкидланди;

- Халқ таълими тизимида **65,1 млрд. сўм** ўзлаштириш ва камомат аниқланган, Мактабгача таълим ташкилотларида ҳам болалар сонини кам кўрсатиш, қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланаётганлиги таъкидланди;

- Олий таълим муассасаларида мазкур «**Тарбия**» фанини ўқитиш учун педагоглар тайёрланадиган янги таълим йўналиши жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди;

- Умумтаълим мактабларида синфларда ўқувчилар сони **45 нафарга** етаётганлиги, янги мактаблар ва қўшимча бинолар қуриш борасидаги ишлар кўриб чиқилди;

- Мактабгача таълим ташкилотлари томонидан **6 ёшли** болаларни тўлиқ мактабгача таълимга қамраб олиш бўйича амалга оширилётган ишлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, “**Таълим тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг жойларда ижросини таъминлаш ва назорат қилиш мақсади “Миллий тикланиш” ДП фракцияси масъуллигида **Таълим бўйича Парламент комиссияси** ташкил этилди, Парламент комиссияси ҳамда фракция биргаликда **14 та** ҳудудда таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар ва тизимни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳатларнинг жойлардаги ижроси назорат тартибида ўрганилди.

Фракция аъзолари томонидан сайлов округларидаги учрашувлар ва таълим соҳасида ўтказилган ўрганишлар натижасида таълим бўйича Парламент комиссиясида кўриб чиқиш учун қуйидаги **таклифлар берилди:**

- Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган мактабгача таълим ташкилотлари учун субсидия бериш тартиби

белгиланган Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги «**Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**» **378-сон қарори** билан тасдиқланган Низомга ўзгартиш киритиш;

- давлат олий таълим муассасаларида **кредит-модул тизимини** жорий қилиш (бунда талабалар битта фан имтиҳонидан ўтолмаса курсдан курсга қолиб, фақат ўша фанни ўқийди ва шу фан учун контракт тўлайди);

- таълим муассасаларида, айниқса мактабларда **санитария қоидалари ва нормаларига, гигиеник нормативларга** риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;

- умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига муносиб **меҳнат шaroитлари** яратиш бериш.

Бундан ташқари, “**Июнь — ёшлар оилиги**” доирасида фракция аъзолари бўлган аёл депутатлар (**Ф.Бўтаева, У.Рахмонова, Т.Муратова**) “**Депутат аёллар клуби**” билан биргаликда **10-15 июнь** кунлари **Бухоро вилоятида бешта ташаббус** доирасида ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўрганишлар олиб борилди.

Ҳисобот даврида давомида “**Миллий тикланиш**” демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан сайловчилар билан **952 та** учрашувлар ўтказилиб, уларда **19 076 нафар** сайловчилар иштирок этган, шунингдек, жойларда **2 908 та** ижтимоий соҳа объектлари, хонадонлар ва тадбиркорлик субъектларига ташриф буюрилган, шундан **488 та** таълим муассасалари ўрганилди.

Фракция аъзолари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида, долзарб масалалар юзасидан жами **57 та депутат сўрови** юборилди, шундан, сўровнинг **14 таси** қаноатлантирилди, **36 тасига** тушунтириш берилган, **5 таси** кўриб чиқилмоқда.

Сайлов округларида ўтказилган ўрганишлар ва учрашувларда **2 992 та** муаммолар, турли масалаларга оид мурожаатлар кўтарилган, **1 278 таси** ёки **42,7 фоизи** жойида ҳал этилган.

Фракция аъзолари номига телефон ва ижтимоий тармоқлар орқали **2059 та** мурожаатлар келиб тушган, **1 257 таси** тегишли ташкилотларга юборилган, **950 таси** ижобий ҳал этилган.

Шунингдек, **telegram@** платформасида тизим яратилиб, ҳар бир “**Миллий тикланиш**” ДП фракция аъзоларига **telegram@bot** ташкил этилди, мазкур тизим фуқароларга ўз (сайлов округи бўйича) депутатларига электрон мурожаат юбориш имконини беради.

IV. «Миллий тикланиш» ДП фракцияси фаолиятини ОАВда ёритилиши:

фракция томонидан ташкил этилган йиғилишлар, тадбирлар ва давра суҳбатлари, шунингдек, фракция аъзоларининг фаолияти доимий равишда ОАВда ёритиб борилади.

Хусусан, ҳисобот даврида ОАВда жами **9 452та** чиқиш қилинди, шу жумладан, телевидениеда **1 654марта**, радиода **911 маротаба**, матбуотда **1 120 марта**, веб-сайтларда **1 589 та** ҳамда ижтимоий тармоқларда **4 178 та** чиқишлар қилинди.

Шунингдек, “Миллий тикланиш” ДП ташаббуси билан “**Депутат фикри**” лойиҳаси ташкил этилди ва унда Олий мажлис қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари (фракция ва партия гуруҳи аъзолари)дан интервью олиниб, кичик роликлар орқали ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлар орқали узатилмоқда.

Мазкур лойиҳада фракция аъзолари **У.Рахмонова, Ж.Абдурасулов ва Н.Тилаволдиев** интервьюлари олиниб, ижтимоий тармоқларда ёритилди.

ЎзМТДП фракцияси
Ижрочи котиби

Б.Шоназаров